Фильм яратилмоқда

Сурхондарё вилоятида «Кўзгу» жамоатчилик телевидениесининг ижодкорлари эзгу ишга қўл уришди. Улар истиқлол йилларида воҳада қўлга киритилган ютуқлар, бунёдкорлик, қайта тикланган урф-одатларимиз, Президентимизнинг ушбу вилоятга қилган бир неча ташрифлари, нутқ ва маърузалари ҳамда оммавий ахборот воситаларига берган интервьюлари асосида фильм яратишмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, юртбошимизнинг нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда эътироф этилган, ўнлаб хорижий тилларга таржима қилинган асарлари руҳидан келиб чиқиб яратилаётган ушбу фильм асосан ёшлар ва мактаб ёшидаги болаларга қўшимча қўлланма сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Ҳокимлар мактабларга боришади

«Туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари бундан буён ҳар ҳафтада биттадан мактабга боришади!» Сирдарё вилояти Шароф Рашидов тумани кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида халқ депутатлари ана шундай қарорга келдилар. Қарор асосида туман раҳбарларининг навбат билан мактабларга боришлари, ўқув дарсларида иштирок этишлари, ўқитувчилар ва ўқувчилар билан учрашувлар ўтказишлари тартиби ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Навбатдаги сессияда ҳоким ва унинг ўринбосарлари ана шу ташрифлар туфайли қай даражада амалий ёрдам кўрсатганликлари ҳақида ҳисобот берадиган бўлишди.

Шароф Рашидов тумани халқ таълими бўлими янгича замонавий ўқитиш услубларини жорий этиш бўйича аллақачон ўзига хос тажриба орттирган. Қишлоқ мактабларини компьютерлаштириш, тест ва рейтинг тизимларини жорий этиш бўйича республика семинарлари ўтказилган. «Шодлик» номли иқтидорли болалар бошланғич мактаби директори Ойширин Бозорованинг «Одобнома» рисоласи мамлакат миқёсида мактабларда қўлланма сифатида фойдаланишга тавсия этилган, 22-лицей мактаб директори, халқ таълими фидойиси Мирза Бобожонов яқинда тажриба алмашиш учун Малайзияга боради. Айнан шу мактабларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги буйруғига асосан тажриба синов дарслари ўтказилмоқда. Шундай шароитда туман кенгаши сессиясининг муҳим қарор қабул қилганлиги айни муддаодир.

Суюн НОМОЗОВ

Хотира майдони барпо этиляпти

XXV асрлик тўйини нишонлаб, обидалари билан оламни ҳамон ҳайратга солиб келаётган Бухорои шарифнинг ҳар бир қарич тупроғида армонлар яширинган. Не-не мард йигитлар иккинчи жаҳон урушидан қайтмадилар. Улар хотирасини абадийлаштириш мақсадида бухороликлар янгидан хотира майдони барпо этмоқдалар. У шаҳарнинг қоқ марказида — фавворалар билан туташиб кетадиган жойда бўлади. Вилоят архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармаси жамоаси миллий меъморчилик анъаналарига тўла риоя қилган ҳолда ёйсимон арк атрофида урушда ҳалок бўлган бухороликлар номи битилган 59 та тош ўрнатишди. Улар устида сағанага монанд қуббачалар барпо этилмоқдаки, улар узоқдан яхлит қалъа кўринишини беради.

Хотира майдонининг бош иншооти мотамсаро онабола ҳайкалидир. Дунёга умид билан қараётган болакай қиёфасида келажакка ишонч ҳисси ўз аксини топган. Бу қутлуғ даргоҳ қурилиши ниҳоясига етай деб қолди.

Даврон БАҲРОНОВ

Миллионернинг саховати

Зоминлик Аҳмад Азимов спортлотонинг 3 мартда ўтказилган ўйинида 18 миллион 830 минг 625 сўмлик ютуқ эгаси бўлган эди. У шифокор. Омади чопган врач ютуқнинг бир қисмини хайрли ишларга сарфлашга аҳд қилди. У туман марказидаги туғуруқхона ва «Тинчлик» номли болалар боғчасини ўз оталиғига олди.

— Аҳмад ака боғчамизни таъмирлаш ишларига катта ёрдам кўрсатди, — дейди боғча мудираси Дилбар Толипова. — У киши болаларга турли-туман ўйинчоқлар, кўргазмалар совға қилди.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 27 апрель, сешанба • № 50 (24.445).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президентнинг Вашингтондаги учрашувлари

ВАШИНГТОН. 26 апрель. (ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш учун АҚШга сафар қилаётиб, 23 апрель куни Амстердам шаҳрида тўхтаб ўтди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Ханс Ван ден Брук билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифи Вашингтонда «Умид» жамғармаси йўналиши бўйича Америка олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талаба ёшлар билан учрашувдан бошланди. Учрашув 24 апрель куни мамлакатимизнинг АҚШ пойтахтидаги элчихонасида бўлиб ўтди.

Шу куни Ўзбекистон элчихонасида Президент Ислом Каримов Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдова давлат раҳбарлари билан учрашди. Маълумки, мазкур тўрт давлат минтақа доирасида транспорт коммуникацияси, савдосотиқ ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини (ГУАМ) тузишган. Ващингтонда ушбу ташкилот аъзолари сони яна биттага ортди — унинг таркибига Ўзбекистон ҳам қўшилди. Бу минтақавий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Вашингтондаги мулоқотида томонлар Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлагини ривожлантириш борасида ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олдилар. Бу Буюк ипак йўлини қайта тиклаш ғоясини амалга оширишда муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

Вашингтонга сафар чоғида Ислом Каримов АҚШ «Эксимбанки» президенти Ж. Ҳермон билан учрашди. Мулоқотнинг бош мавзуи Ўзбекистоннинг бу йирик молиявий муассаса билан ҳамкорлиги масаласи бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ўрта Осиё ва Кавказ мамлакатлари давлат раҳбарларининг АҚШ сенаторлари гуруҳи билан учрашувида ҳам иштирок этди. Маълумки, АҚШ Сенатида Буюк ипак йўли бўйича қонун қабул қилиниши кутилмоқда. АҚШ сенаторлари билан учрашувда давлатимиз раҳбари бундай саъй-ҳаракатни қўллаб-қувватлаяжагини айтиб, фикр билдирди.

25 апрель куни Президент Ислом Каримов Вашингтоннинг қоқ марказида жойлашган «Рейган билдинг» саройида НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган саммитнинг ялпи мажлисида иштирок этди ва сўзга чиқди. Вашингтонга НАТОга аъзо 19 давлат ҳамда унга қўшилмаган, лекин алянс билан изчил ҳамкорлик қилаётган 23 мамлакат вакиллари ташриф буюрган. Ялпи мажлисда келаси асрда НАТОни ривожлантиришнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи кўриб чиқилди. Айтиш мумкинки, Шимолий Атлантика ҳарбий блоки XXI асрда хавфсизликнинг энг ишончли омилларидан бири бўлишга интилмоқда. Саммитда ташкилот сафини кенгайтириш ва ҳамкорлар билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам шундан далолат беради.

Шу куни давлатимиз раҳбари Жаҳон банки гуруҳи президенти Ж.Вулфенсон билан ҳам учрашди. Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ташрифнинг 25 апрель куни дастуридан жой олган яна бир муҳим воқеа — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт ўртасида бўлиб ўтган учрашувдир. Ўзаро мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, икки томонлама сиёсий-иқтисодий муносабатларни янги поғонага кўтариш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Шу куни кечқурун давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг даромадлар ва харажатлар бўйича қўмитаси раиси Б. Арчерни қабул қилди.

Бугунги кун дастуридан ҳам иккита муҳим учрашув ўрин олган. Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонасида Президент Ислом Каримов дастлаб Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директорининг ўринбосари Ш. Сугисакини қабул қилади. Президентимиз, шунингдек, АҚШ Давлат котибининг Жанубий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси К.Индерфурс билан ҳам учрашади.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон раҳбари НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган йирик халқаро тадбирда иштирок этиши билан бирга, уч кун давомида ўнга яқин учрашувлар ўтказгани ташрифнинг нечоғлиқ қизғин ва самарали кечганидан далолат беради. Бўлиб ўтган учрашувларнинг аҳамияти шундаки, улар Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари, шунингдек, Ўзбекистон билан турли нуфузли халқаро ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 27 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	75,60	10 Люксембург франки	30,56
1 Австрия шиллинги	8,96	1 Малайзия рингги	30,49
1 Англия фунт стерлинги	187,14	1 Германия маркаси	63,02
10 Бельгия франки	30,56	1 Польша злотийси	28,91
1 Голландия гульдени	55,93	1 СДР	156,79
10 Греция драхмаси	3,78	1000 Туркия лираси	0,30
1 Дания кронаси	16,60	1 Финляндия маркаси	20,73
1 БАА дирхами	31,55	1 Франция франки	18,79
1 АҚШ доллари	115,86	1 Швейцария франки	76,99
1 Миср фунти	33,98	1 ЕВРО	123,26
10 Испания песети	7,41	10 Жанубий Корея вони	0,98
100 Италия лираси	6,37	10 Япония иенаси	9,70
1 Канада доллари	78,37	1 Россия рубли	4,71
1 Хитой юани	14,00	1 Украина гривнаси	29,51

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ХДП: БПТда ҳисобот-сайловлар

Кўпчиликнинг ишончи

Нишон туманидаги «Нишон» қоракўлчилик жамоа хўжалигида ХДП бошланғич ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Уни туман партия кенгашининг биринчи котиби А. Ибрагимов олиб борди. Йиғилишда партия аъзолари билан бир қаторда хўжалик мутахассислари, бош чўпонлар ва фаоллари ҳам иштирок этишди. Бошланғич партия ташкилоти котиби Э. Нуралиевнинг ташкилотнинг 1998 йилги фаолияти хусусидаги маърузаси юзасидан Нишон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Й. Шерғозиев, хўжалик бош муҳандиси П. Ҳайитов, 2-ферма мудири Ж. Туропов, хўжалик хотин-қизлар қўмитаси раисаси Б. Имомова сўзга чиқдилар.

Шундан сўнг сўз ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Омоновга берилди.

— Юртбошимиз Олий Мажлис XIV сессиясида таъкидлаган устувор йўналишлар амалда бизни ёруғ манзиллар сари етаклайди, — деди саркотиб, — ва албатта бунинг учун аввало биз ўзимизни ўзгартиришимиз зарур. Аниқроғи, янгича тафаккур соҳиблари бўлишимиз бу борада муҳим омил ҳисобланади!

— Энг қувонарлиси, мазкур бошланғич партия ташкилотида аъзолар сафи шунчаки миқдор ҳисобига эмас, партия Дастури ва Низоми билан обдон танишган, ҳукуматимиз сиёсатини англашда, уни тарғибот-ташвиқот қилишда ўзида салоҳият топа оладиганлар ҳисобига ортиб бормоқда, — деди туман ҳокими ўринбосари И. Ҳикматов.

1-ферма бош чўпони Х. Шерғозиев ўз фикрини қуйидагича ифода этди:

— Ўтган йили хўжалигимиз 18 миллион соф фойда қилди. Рентабеллик эса 20 фоизга ўсди. Бу ўз-ўзидан эмас, кўпчилик сингари партия фаолларининг бу борадаги жонбозлиги туфайлидир.

Эгамберди Нуралиев хўжалик бошланғич партия ташкилотининг котиби этиб қайта сайланди. Кўпчиликнинг ишончи — катта масъулият! Буни у тушунади.

Илҳом КАРОМОВ



Жорий йилда Форий туманидаги чорвадор хўжаликларда қўзилатиш мавсуми бўйича яхши натижаларга эришилди. Айниқса, туманнинг Мусоқул Оролов номли ширкатлар уюшмаси чорвадорлари бу борада ибрат кўрсатмоқда. Бу йил уюшма чорвадорлари қўзилатиш мавсумида режадаги ҳар юз бош она совлиқдан 92 бош ўрнига 100 бош қўзи олиб, ўз мажбуриятларини ортиғи билан бажаришди.

Шунингдек, чорвадорлар жорий йилда ўстириш учун 5000 та қўзини қолдирди ва 2669 та тери топширишди.

Суратда: (чапдан) чўпон Эсиргап Қўлдошев, раис Мамадиёр Оролов ва чўпон Ҳусниддин Тўраев режалар хусусида суҳбатлашмоқда.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Журналист текшируви

Коллежлар қачон битади?

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурига мувофиқ Наманган вилоятида 1999-2000 йилларда 12 та янги коллеж ва лицейлар қурилиши, 7 та шундай муассаса жаҳон андозаларига мослаб таъмирдан чиқарилиши мўлжалланган. Хўш, бу ишлар 1999 йилнинг биринчи чораги тугаган, янги ўқув йили бошланишига атиги беш ой қолганда қай аҳволда?

Коллежлар қуриш ва таъмирлашнинг бош пудратчиси ҳисобланган вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси ихтиёрида бугун 56 та объектда иш кетяпти.

Наманган тиббиёт билим юрти биносини «Наманганқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 5-қурилиш монтаж бошқармаси таъмирлаяпти. Айни пайтда унинг ташқи томони эътиборни тортадиган қиёфага кира бошлаган. Ётоқхона эса секцияларга бўлиниб, ҳар бир секция сантехника жиҳозлари билан тўлдирилмоқда.

— Агар лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида олганимизда, — дейди прораб Сайфиддин Боқиев. — Ишлар янада юришиб кетармиди.

Билим юрти маъмурияти лойиҳага биноан олинадиган янги жиҳозлар, ўқув қуроллари, зарур тиббий анжомлар бўйича талабномани бош пудратчига ҳавола этган. Муассаса директори Каримхон Иномовадан шуни билдикки, бу ерда ўқитиш режалари, иш ўрни жадваллари ҳам тайёрлаб қўйилган.

Аммо, бошқа объектларда тиғиз вақт маъсулияти тўла тушуниб етилмаяпти. Вилоят марказидаги индустриал техникумни таъмирлаш жуда суст. 1-жамоа қурилиш трестининг 2-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари ҳозирча эски-тускини бузишдан нарига ўтолмаяпти. Вазифа эса ҳар ойда камида 27 миллион сўм маблағ ўзлаштиришни талаб этаса-да, бу ерда ҳозиргача 3 миллион сўм атрофида маблағ ўзлаштирилган, холос.

Жамланма ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Икромжон Мирзаев буни шундай изоҳлайди.

— Қурилиш материаллари етарли эмас. Зарур материалларни олишга ҳисобимизда пул йўқ.

Ҳайрон бўлиб жамланма бошлиғининг ўринбосари Обидхон Ортиқовга юзланаман.

— Пул йўқ эмас, бор, — дейди у. — Фақат лойиҳа асосида. Масалан, февраль ойида шу усулда 4 миллион сўм тегишли ташкилотга пул ўтказганмиз. Бекободдан энди бир вагон цемент олдик, холос. Шу кунда бизга чўян батареялар, сантехника қувурлари, эшиклар керак.

Дарҳақиқат, бундай жиҳозлар керак, лекин ҳозирча йўқ-да. Шу боис борига-бозор, дегандай иш тутиляпти. Ҳатто ғишт таъминоти ҳам йўлга қўйилмаган. Қурилиш бошлангандан бери атиги 25 минг дона ғишт олинган. Ваҳоланки, ҳозир кунига 10 минг дона ғиштга эҳтиёж бор. Агар бу ерда ойига ҳозиргидай катта миқдордаги маблағни нари-берисида ўзлаштириш билан кифояланиб ўтирилса яна 22 ой керак бўлади.

Маданият техникумини коллеж қиёфасига киритиш вазифасини «Башорат» хусусий фирмаси ўз зиммасига олган. Фирма учун ҳам цемент, лакбўёқ ва бошқа материалларга 15 миллион сўм лойиҳа асосида маблағ ўтказилган. Оз-моз цемент олинган. Лекин, бу ерда ҳам энг зарур материалларга эҳтиёж сезилиб турибди. Кунига 7 минг дона ғишт керак. Фирма билан шартнома тузган Наманган тумани «Самарқанд» жамоа хўжалигидаги ғишт заводи эса кунига зўрға 2000 дона ғишт ишлаб чиқаради.

— Лойиҳа ҳужжатларини вақтида ололмаганимиз сабаб ишлар чўзиляпти, — дейди фирма бошлиғи Муҳаммад Абдуллаев. — Куни кеча Тошкент лойиҳа институтига бориб, электрлаштириш лойиҳаларини ўзим олиб келдим.

Яна тўрт ойдан кейин янги ўқув йили бошланади. Намангандаги 7-ҳунар-техника билим юртидаги таъмирлаш ишларининг бориши эса ҳануз талаб даражасида эмас.

2000 йилда ишга тушиши лозим бўлган 11 та янги коллеж қурилиши ҳақида ҳам илиқ сўз айтиб бўлмайди. Вилоят капитал қурилиш бошқармасида «ишлар жадал кетяпти» дейилган бўлса-да Чортоқ туманидаги объектда кран келтирилганига бир ойдан ўтди-ю ҳали ишга тушгани йўқ. Бошқа туманлардаги қурилишларда ҳам масала моҳиятига ҳали тўла тушуниб етилмаяпти, чоғи.

Хўш, бу қадар сусткашликнинг сабаблари нимада? Назаримизда, қурилиш лойиҳаларининг ўз вақтида битмагани ишнинг белига тепяпти. Қурувчилар асосан дастлабки хомаки нусха ҳужжатларда иш бошлашган. Иккинчи сабаб, қурилишларни молиялаштириш, лойиҳа асосида (ўзаро қарздорлик-ҳақдорликка қараб баённома тўлдирилиб, вилоят ташкилотлари ва пировардида республика идоралари орқали ҳал этилиши) олиб борилаётганида. Шундоқ ҳам «чўнтагида мири қолмаган» қурилиш ташкилоти бу маблағдан ҳозирча фойдалана олмайди. Чунки вилоятда олдинги йилларда режасиз кўплаб бинолар қурилиб қурувчиларни «ўтқазиб қўйган». Ҳозир ташкилот пудратчи сифатида кимдандир ҳақдор, лекин буюртмачи бу қарзни узишга қодир эмас. Оқибатда қурувчи ташкилотлар солиқдан, электрдан, ёнилғи-мойлаш таъминоти идорасидан қарздор бўлиб қолмоқда. Янги қурилишлар муносабати билан ташкилот ҳисобига ўтказилган маблағга солиқчилар, нурчилар ҳам кўз тикиб туришибдики, тушгани ҳамон улар ихтиёрига ўтади. Қарабсизки, қурувчи яна шип-шийдам. Наҳотки, қурувчилар сал оёққа тургунча истисно тариқасида тушаётган маблағларнинг бир қисмига тегмай туришнинг иложи йўқ?

Бу ҳозир шунинг учун ҳам зарурки, маблағ билан таъминланса биринчи галда қурувчиларга кечиккан маошларини бериш имкони туғиларди. Ахир ҳозир вилоятдаги қурувчилар ололмаётган маош миқдори 150 миллион сўмдан ҳам ортиқ. Индустриал техникумни коллежга айлантираётган 2-хўжаликлараро ихтисослашган кўчма жамланма,Чортоқ туманида коллеж қурилишини бошлаган 11- механизациялашган кўчма колонна ишчилари 6-8 ойлаб маош ололмаётгани наҳот раҳбарларни ташвишга солмаса.

Шу ўринда яна бир гап. Қурилишларнинг асосий буюртмачиси бўлган вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси бу соҳада ўз ўрни ва ролини етарли даражада топмаётган кўринади. Тиғиз паллада бошқарма бошлиғининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари ўрни бўш турибди. Янги коллежларга ишлатиладиган анжомлар, ўқув қуроллари ва бошқа зарурат буюмлари учун 7 та бўлажак коллеждан энди 3 тасигагина талабнома олинган, холос.

Президентимиз Олий Мажлис XIV сессиясида Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури ҳақида сўз юритиб, бу соҳага янада кўпроқ эътибор қаратиш, керак бўлса масъулиятни ошириш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар. Демак, бу юмуш ҳар биримизга тегишли ва ўта долзарбдир.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Олий Мажлиснинг XIV сессияси тараққиётимиз мезонларини белгилаб берди. Манзилимиз аниқ, манфаатларимиз муштарак эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ислом КАРИМОВ:

Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур.

Ватандан ташқарида Ватан йўқ

Ўтаётган ҳар бир кун биз учун катта имтиҳон. XXI аср сари ёрқин умидлар билан қадам ташлаётган халқимиз ўз озодлигини қўлдан чиқармаслик ва истиқлолини тобора мустаҳкамлаш йўлида турли синовлардан ўтиб, тобланиб бораяпти. Ҳар жабҳада янгиланиш, янгиликка интилиш сезилади. Энди эскича тафаккур, мавҳум нуқтаи назар, боқибеғамлик билан кун кечириб бўлмайди. Ўзбекистоннинг нон-тузи, тупроғи, ҳар бир гиёҳини қадрламаган, Ватан келажагини аниқ ва тиниқ тасаввур қилмаган киши ўз-ўзидан четга чиқиб қолади. Шу Ватанда яшаяпмизми, ҳар биримиз унга таянч бўлиш масъулиятини зиммамизга олишимиз зарур. Бошқа йўл йўқ. Сессияда юртбошимиз таъкидлаганлари каби, ҳар бир инсон жамиятдаги ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас бир қисми деб ҳис этиши даркор.

Сиз ким? Олимсиз. Спортчисиз. Сиёсатчисиз. Раҳбарсиз. Шифокор ёки талаба, ўқувчисиз... ҳамма-ҳамма шу демократик жараёнлар шаклланиб бораётган адолатли жамиятимизнинг бир бўлаги. Агар тараққий топаётган, гуркираб ўсаётган жамият, кимлигидан қатъий назар шу жамиятда яшаётган фуқародан илгарилаб кетса, яъни, фуқаро жамиятдан узилиб қолса, ўз-ўзидан бу ўринда катта бўшлиқ пайдо бўлади. Бу ҳол кўзга ўзини дунёга кўрсатишга ундовчи илҳомбахш чорловдир. Ўзини танимаган одамдан кўрқиш керак. У ҳеч қачон халқнинг бир бўлаги бўлолмайди. Келажакни англай олмайди. Ҳатто бугун нима бўлаётганини ҳам сезмаслиги мумкин. Ҳар бир юртдошимизда руҳий уйғоқлик, мавжуд ўзгаришларга муносабат билдириш фазилатлари намоён бўлмоқда. Ватан, Халқ, Озодликка нисбатан дахлдорлик туйғуси илдиз отмоқда.

Олий Мажлиснинг XIV сессияси ишини халқимиз ҳаяжон билан кузатди. Юртбошимизнинг сессияда сўзлаган нутқини матбуот орқали ўқиб ўрганди. Айтиш жоизки, мамлакатимиз раҳбарининг равон, асосли мулоҳазалари барчамизнинг кўнглимизга бориб етди. Тафаккуримиз янада равшан тортди бундан. Бугун нималарга эътибор қаратиш лозим, қандай яшамоқ керак, деган долзарб саволларга ҳар бир ватандошимиз теран жавоб олди. Шу билан бирга сессия ҳар қайси соҳа вакиллари олдида турган асосий вазифаларни яна бир карра белгилаб берди.

Мустақиллик мезонлари

Истиқлолдан олдин биз ким эдик? Шу саволга жавоб топиш учун аввало озодликни, бугунни, эртамиз учун интилишларимиз нимадан иборат эканлигини тушуниб етишимиз зарур. Шундагина бизни ҳеч бир ғоя, ҳеч бир куч йўлдан чалғитолмайди. Шундагина биз ҳақиқат ва адолат йўлини танлаганимизни англаймиз. Ва, бундай шаклланишга осонликча эришмадик. Сессияда юртбошимизнинг ўзлари ҳам таъкидлаб ўтдилар: «Барчага мана шу оддий ҳақиқат аён бўлиши керак: ўз тақдирини ўз қўлига олган, эркинлик ва мустақиллик ҳавосидан бир бора кўксини тўлдириб нафас олган, танлаган тараққиёт ва фаровонлик йўлининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган ҳар қайси одам ва бутун бир халқ ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмайди...»

Юртимизда халқ манфаати, унинг тинчлиги, бахт-иқболи учун улуғ ўзгаришлар қилинаётганини бутун дунёнинг илғор фикрли кишилари билиб турибди. Демак ўз истиқлолини, осуда кунларини қўлдан бой бермаслик учун яшаётган халқ, тараққиёт йўлидаги барча ғовларни, тўсиқларни енгиб ўта олади.

XIV сессияда барчамиз англаган тушунчалардан бири шу бўлдики, албатта, биз ўз мақсадларимизга осонликча, аллақаердан мўъжиза кутиб эришолмаймиз. Бир нарсага эришиш учун ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш керак. Чунки, келажагимиз ўз қўлимизда. Биз учун бошқалар жон куйдирмайди. Ва, бизнинг истиқболимизни ўзгалар келиб яратиб бермайди. Ўзбекистон деган гўзал мамлакатнинг гуркираб ўсиши ва ҳар бир ватандошимизнинг тақдирига дахлдор масалаларнинг олий минбардан баралла янграши ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан дадил қадам ташлаётган Ўзбекистоннинг бугунги қиёфасини намоён этади. Тараққиёт, ўсиш, улғайиш, тинч-тотув ҳаёт кечириш йўлини танлаган давлатимизнинг имкониятлари тўла намоён бўлмоқда. Биз бугун майда-чуйда, тор қўламли масалалар атрофида ўралашмай, аксинча, тараққиётимиз мезонлари бўлган муҳим йўналишларни белгилаб олаяпмиз.

Бизнинг кейинги йилларда қўлга киритган энг катта ютуқларимиздан бири шуки, юртимизда тинчлик қарор топиб, хонадонларимизда осойишталик ҳукм сурмоқда. Миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик бардавом бўлаётир. Очиғини айтиш керак, бизга шу нарсани, яъни барқарорликни кўп кўргувчилар ҳам топилади. Турли хил ғаразли мақсадлар билан тинчлигимизга дарз кетказиш, тинчлигимизни бузиш, истиқлолимизга чанг солмоқчи бўлган айрим кимсалар тараққиётимизга тўсиқ қўйиш мумкин деб ўйлайдилар. Шу мақсадда энди вояга етаётган ёшларимиз онгини чиркин ғоялар билан тўлғазиб, йўлдан уришга ҳаракат қилишмоқда. Аммо, халқ аллақачон тушуниб етган. Истиқлол, озодликнинг баҳосини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Баниташар тан олган тарихий ҳақиқат бу. Озодлик олинади, берилмайди.

Хўш, озод туғилган фарзандини қайси ота қафасга солишни истайди. Истиқлол билан тенгдош фарзандларимиз 8 ёшга тўлдилар. Улар истиқлол мафкураси билан камолга етаяптилар. Ислоҳотлар эвазига ихтисослашган мактабларда таълим олишаяпти. Уларнинг тафаккури, руҳияти кенгайиб бораяпти. Истиқлол ғоялари илдиз отган руҳиятида эрк қуёши порлаяпти уларнинг. Ҳа, вақт жуда тез ўтади. Шу қисқа вақт ичида ўз-ўзимизни ўнглаб, ҳар қайси жабҳага озод инсон нигоҳи билан қарашни ўргандик. Бу қараш ўйларимиз каби соф. Ниятларимиздай беғубор.

Тўғри, замон талаблари даражасида фикрлаш осон кечмайди. Эски андозалардан қутилиб кетишнинг ўзи ҳам бўлмайди. Юқорида айтганимиз каби бунинг учун ҳамма — каттаю-кичикнинг қалбида ғурур алангаси, юртга меҳр, истиқлол йўлида жонфидо қилиш туйғулари тўлқин отиши лозим. Президентимизнинг сессия минбаридан туриб айтган гаплари жон қулоғимизда бўлмоғи ва бизни сергак қилиб турмоғи даркор: «Барча муҳим қарорлар юқоридан қабул қилиниб, бизларни бор-йўғи итоатгўй ижрочиларга, баъзан ўйланмай қабул қилинган қарорлар қурбонига айланган маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тузум иллатларидан жудо бўлишимиз қийин кечаяпти...»

Бу биз учун, онгу шууримизни ислоҳ қилиш учун куюнчаклик билан айтилган фикр. Яъни, Ватан даъватларига «лаббай» деб жавоб бериш, истибдод тузимининг руҳиятимизга солган занжирлари ваҳимасидан тўлиқ халос бўлишимиз зарурлиги таъкидланмоқда. Демак, ҳар биримиздан янада бедорлик талаб қилинади. Бизнингча, сессия ишидан олган асосий сабоғимиз шу. Бу мулоҳазани дилидаги гаплари билан матбуотда иштирок этиш ниятини билдирган турли соҳа вакилларининг фикрлари ҳам тўлдиради, деб ўйлаймиз.

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ислом КАРИМОВ:

Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак.

Ислом КАРИМОВ:

Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан.

Ислом КАРИМОВ:

Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва янгиланиш жараёнларига баҳо берар эканмиз, шуни таъкидлашни истардимки, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият-эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланади.

Дадилликка даъват

Боймамат ЖУМАҚУЛОВ, тадбиркор:

— Сессияда бешта устувор йўналиш белгиланди. Уларнинг ҳар бири долзарб. Уларни бир-биридан айри алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди. Юртимиз келажагининг асоси нималарга боғлиқ эканлигини англаб етдик. Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли, жамики, ўзгаришларнинг бош бўғини деб қаралмоқда. Яъни, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятдаги манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантиришга Президентимиз урғу бериб ўтдилар. Қисқача қилиб айтганда эркин фаолият учун қонуний - ҳуқуқий замин яратиб бериш муҳим масала эканлиги айтиб ўтилди.

Сессияда биз тадбиркорлар фаолиятини яхшилаш борасида ҳам сўз борди. Айниқса, юртбошимизнинг «Эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш зарур. Кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш учун ҳамма йўлни очиб беришимиз лозим» деган сўзлари дилимиздаги гап бўлди. Очиғи илгарилари тадбиркорлик учун барча эшиклар ёпиқ эди, ҳатто бу ҳақда одамларда тасаввур ҳам йўқ эди. Сирасини айтсам, ҳаммамиз давлатнинг қўлига қараб яшашни ўрганиб қолган эдик. Мустақиллик эркин ижодкорликни, бозор иқтисодиёти йўлида тобланиш, юрт обрўсини кўтариш учун фидойилик билан бетиним меҳнат қилишни ўргатди.

Янги минг йиллик масъулияти



Алишер ШОЙИМОВ, ЎзТВ «Ахборот» кўрсатуви мухбири

— Янги аср саҳнида Ўзбекистоннинг ўрни қаерда бўлади? Мамлакатимизнинг учинчи минг йилликда умуммиллий стратегияси қандай йўналишларга қаратилган ва у нималардан иборат бўлиши кўзда тутилаяпти? Тобора эркинлаштиришга, кун сайин мукаммаллаштиришга интилаётганимиз — бугунги жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий мавқеи, фуқароларимизнинг онг-шуури қай даражада юксалади? Хуллас, биз XXI асрдан нималарни кутаяпмиз ва янги аср биздан нималарни талаб қилади?

Мен Президентимизнинг нутқини мана шу каби саволларга бугунги кунда мамлакатимиз фуқароларининг ҳар бири шахсан жавоб бериши ҳамда шунга тайёрланиши учун чорловчи даъват деб билдим. Йўлбошчимиз бизнинг — Ўзбекистоннинг XXI асрдаги мақсади ва тараққиёти тамойилларини муфассал дастуриламал тарзида белгилаб берди. Демак, мамлакатимизнинг келгуси асрда ўз дастури аниқ.

Фақат шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Биз, кўпинча фақат Президентдан тайёр дастур ва йўналишлар кутиш билан чекланиб қолмаяпмизми? Аслида, давлатимиз раҳбари айтган ана шу фикрлар бизнинг ҳар биримизнинг оддий фуқаролик бурчимиз бўлиб юзага чиқиши, жамият фаолиятига ўз ҳиссамиз бўлиб татбиқ этилиши керак эмасми? Чунки Президентимизнинг маърузаси мукаммал тарзда ҳукуматнинг сиёсий вазифаларидан тортиб, жамиятимизнинг ҳар бир бўғинидаги масъулиятни тўлақонли қамраб олган. Шу маънода уни Ўзбекистон фуқароларининг XXI асрдаги масъулиятлари дастури дейиш мумкин. Фақат ҳамма гап ана шу белгилаб олинган, режалар тарзда изчил тузиб чиқилган масъулиятли дастурни қандай амалга ошириш ва ҳаётимизга қандай татбиқ этишда қолаяпти. Ўйлайманки, шу вазифаларни ҳар биримиз ўз ҳаёт тарзимизга айлантириб, Ватанимизнинг ҳар бир соҳада улкан рақобатлар асри бўлиши кўзда тутилаётган XXI асрдаги чинакам мавқега эришиши учун курашсак — соғлом авлод олдида ҳам, ўз олдимизда ҳам кўнглимиз тоза, кўзимиз равшан ва келажагимиз порлоқ бўлиши, шубҳасиз.

Юрт деб бирикканлар адашмас

Анвар ЖОНУЗОҚОВ, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани «Ёшлик» шаҳарчаси «Зиё» маҳалласи раиси

— Президентимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузасида ёшларни жамиятнинг гуллари деб жуда тўғри айтдилар. Чунки мустақил юртимизнинг бугуни ва эртасини ёшларсиз, уларнинг шиддаткор ҳаракатларисиз тасаввур қилолмаймиз. Жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар, ислоҳотлар силсиласида уларнинг ўрни бениҳоя катта.

Олий Мажлис XIV сессияси материалларини маҳалламизнинг барча ёш ва кекса аъзолари билан ўрганиб чиқдик. Сессияда кўрилган масалалар ўзининг долзарблиги билан ҳар бир юрт фуқаросининг тақдирига, фаолиятига дахлдордир. Айниқса, Президентимизнинг меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жойларини барпо этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш бўйича фаол сиёсат юргизиш ҳақидаги сўзлари кўпчиликнинг дилидаги гап бўлди. Бу ишларни кенг йўлга қўйиш юртимиз равнақини янада оширади.

Маҳалламизда 6000 га яқин аҳоли ва талабалар яшайди. Уларнинг бўш вақтини фойдали меҳнатга жалб этиш, манфаатдорлигини таъминлаш асосий масала. Шу кунгача анча ишларни бажаришга улгурдик. Лекин бу билан кифояланмаслигимиз керак. Маҳалламиз тез кунларда ўз ҳисоб рақамига эга бўлади. Шунда яна бир қанча янги иш жойларини ташкил этиш, аҳоли эҳтиёжини қондириш имкони туғилади. Биз бунга ҳаракат қиляпмиз. Ташаббусларимизни «Ёшлик» шаҳарчаси ҳокимлиги қувватлаб турибди. Энг асосийси, ёшларни меҳнатга, чинакам ҳаётга ўргатиш, турмуш фаровонлигига эришишдир. Президентимиз ўз маърузаларида буни кенг тушунтириб ўтдилар.

Ҳали кўп вақт ўтиб улгурмасдан талабалар, маҳалламизнинг иш билан банд бўлмаган оилалари ташаббус кўрсатиб кела бошладилар. Уларнинг айримлари ҳунар эгалари бўлсалар, айримлари ҳунар ўрганиш иштиёқида. Ишонасизми, ҳали шундай ишларни амалга оширамизки, кўриб кўзингиз яйрасин. Мақтаняпти, деманг. Шунга имконият бор, ишчи кучи, ташаббускор ёшлар бор. Буларнинг ҳаммаси бир жойга жамланса... Хизмат кўрсатиш устахоналари, ишлаб чиқариш ва таъмирлаш цехлари, яна бир қанча иш жойлари ташкил этамиз. Ишонаверинг, бу масалаларни сессия материалларини ўрганиш пайтимиздаёқ белгилаб қўйганмиз.

Собиқ шўро тузумида ёшларга муносабат қандай эди? Уларнинг онги, идроки номақбул мафкура таъсирида эмасмиди? Мағрибу машриққа қадар кезган ёшлардан иборат қурилиш отрядларини эслайсизми? «Агитпоезд»ларни-чи? Узоқ Сибир ўрмонларидаги магистрал қурилишлар турли миллат вакилларига «бағрини очарди». У ерга борган ёшлар миллатидан қатъий назар ягона миллатга бирлаштириларди. Кейин улар шу ўрмонларда яшаб қолишарди. Бундай қурилишлар мустабид тузумнинг фахри ҳисобланарди. Энг ёмони буларнинг ҳаммаси барчамизнинг кўз ўнгимизда содир этиларди.

Бугунги ёшлар ўтмишнинг бундай нохуш ишларини англамоғи, хулоса қилмоғи, она-юрт озодлиги, мустақиллиги қадрига етмоғи керак. Ғайримафкуравий таъсирларга учмаслиги лозим. 16 февраль воқеаларининг мудҳиш оқибати сабоқ бўлмоғи зарур. Тарих яна бир карра аён этдики, ёвуз кучлар ўз мақсадлари йўлида минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётига хавф соларкан. Ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказаркан. Бундай ҳаракатларга йўл бермаслик учун ёшлар истиқлолни тушунмоқлари керак. Бу Ватанни томирдаги қон каби асрамоқ, уриб турган юрак каби севмоқ зарур.

Ёшлар билан ишлаш ва уларнинг тарбияси ҳақида кўп гапирилмоқда. Ҳамманинг эътибори шу масалага қаратилмоқда. Ҳар биримизни юксак маърифий фазилатлар эгаси бўлишга ундамоқда.

Гул ўз нафосатини тўлиқ намоён этганидек, биз — ёшлар онгида маънавий бўшлиққа ўрин қолдирмаслигимиз керак. Президентимизнинг ўзи қўллаб турибди. Оллоҳ мадад берса Ўзбекистонимизни ҳеч бир мамлакатдан кам қилмаймиз.

Қалбга жо бўлган ўгит

Шерниёз УМИРЗОҚОВ, Қашқадарё вилоят прокуратураси терговчиси

— Президентимизнинг мазкур нутқларидан кейин у ҳақда фикрлашаётган, ҳатто баҳслашаётган ёшлар, тенгқурларим даврасида кўп бўлдим. Мени хурсанд қилгани — улар ҳамиша асосий масъулиятни ўзларига олиб гапиришмоқда. Назаримда, шунинг ўзиёқ келажагимизнинг порлоқ бўлиши, бугунги муаммолар эртаиндин ўз ечимини топишидан далолат беради.

Президентимиз ҳамиша бир нарсани — ҳуқуқий жамият қуришимиз керак, деган гапни такрорлайди. Бу гапни ҳар ким ҳар хил тушуниши мумкин, аммо менинг назаримда, у барча фуқаролар учун қулоққа қуйиб олиш лозим бўлган ўгит. Чунки, жамиятдаги ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб етмас экан, ҳеч қандай саъй-ҳаракат билан унинг ўрнини қоплаб бўлмайди. Бу борада мен бир нарсани айтмоқчиман, бутун умид ёшлардан. Кечаги мафкуранинг таъсирида ўсган авлодни тарғибот-ташвиқот билан биз кўзлаган даражага олиб чиқиш қийин. Аммо, бу уларнинг онгига ҳеч қанақа таъсир қилиб бўлмайди, дегани эмас. Ахир мустақиллик мафкураси уларни қанчалик тарбиялаганлигини кўриб турибмиз. Фуқаронинг кутубхонасида ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонунларга оид китоблар биринчи ўринда жой олиши, ҳар бир фуқаро энг кичкина ишларни ҳам ўз адвокати билан бамаслаҳат бошлашга ўрганиши, милицияни ўз хавфсизлигининг ҳимоячиси деб билиши, прокурорни эрта бир куни қонунбузарлар пайдо бўлишининг олдини оладиган орган деб тушунишини назарда тутаяпман.

Яна бир нарса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳуқуқий тарбиядан ҳаммадан ҳам кўпроқ манфаатдор эканликларини, ҳатто бурчли эканликларини ҳеч қачон унутмасликлари керак. Қолаверса, фуқаролар ёрдам бермас экан, жиноятчиликка қарши курашиш ҳам оғир кечади.

Шу ерда иккинчи масала келиб чиқади — ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ўзларини тарбиялаш ва танлаш масаласи. Бу борада эса бугун жуда катта ишлар қилинмоқда. Ҳар битта ходим синчиклаб аттестациядан ўтказиб олинаяпти. Агар хабарингиз бўлса, Америкада полиция энг муомалали ҳисобланар экан. Биздаги саъй-ҳаракатлар ҳам эрта-индин ана шу даражага олиб келса, ажаб эмас.

Кашфиётлар асри бўлади

Умид МАДАМИНОВ, Тошкент Ўзбек-Турк жумҳурият лицейи ўқувчиси

— XXI аср том маънода кашфиётлар асри бўлади. Бу сўз бутун дунё бўйлаб жаранглмоқда. Ўзбекистон ҳам янги минг йилликда кашфиётлар ўлкаси бўлажак.

Кўпчилик қатори биз лицей ўқувчилари ҳам юртбошимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясида сўзлаган маърузасини телевидение ва матбуот орқали ўргандик, мулоҳаза қилдик. Президентимизнинг ёшлар ҳақида айтган гаплари менга тўлқинлантириб юборди. Ўқувчи дўстларим билан кечки ўқув машғулотидан сўнг бир жойга тўпландик. Янги асрдаги Ўзбекистон ҳақида ўйладик. Орзуларга бурландик. Айтишадики, орзу — инсоннинг келажакдаги фаолиятини белгилайди, деб.

Ҳозир инглиз ва турк тилларини мукаммал ўрганиб олдик. Дарсликлар, ҳатто аниқ фанлар ҳам чет тилларида ўқитилмоқда. Энг муҳими биз таҳсил олаётган даргоҳ — Ўзбек-Турк жумҳурият лицейи дунёга бўйлагани бизни қувонтиради. Дўстларим, устозларим ҳамма-ҳаммаси хурсанд. Биз кашфиётлар оламига шўнғидик. Дунё олимпиадаларида иштирок этаяпмиз. Ўзбекистон номи дунё давлатлари орасида ўтказилаётган мусобақаларда янграмоқда.

Польша Фанлар академияси Физика институти томонидан етти йилдан бери мунтазам равишда ўрта мактаб ва лицей ўқувчилари ўртасида физика жабҳасида «Нобель мукофотига бир қадам» лойиҳалар мусобақаси ўтказилиб келинмоқда. Бу мусобақа ЮНЕСКО ва мазкур институт ҳамкорлигида амалга ошириляпти. Мусобақада Ўзбек-Турк лицейи ўқувчилари турли фанлар бўйича бир неча йиллардан бери қатнашиб келмоқда. Унда иштирок этган мамлакатлар орасида АҚШ, Ҳиндистон, Россия, Хитой, Чехия, Венгрия ва бошқа кўплаб давлатлар бор. «Физика фанидан Нобель мукофотига беш боскич» бешинчи халқаро олимпиадаси мусобақасида Ўзбек-Турк лицейлари ўтган 1996-1997 ўқув йилида учта лойиҳа билан қатнашди. Бу жабҳада биринчи марта иштирок этаётганимизга қарамасдан лойиҳаларимизнинг иккитаси мукофотга лойиқ деб топилди. Бу йилги ўтказиладиган мусобақага эса Ўзбек-Турк лицейлари томонидан 33 та лойиҳа жўнатилди.

XXI асрга қадар жуда кўп кашфиётлар ва изланишлар қилинган. Ёш ижодкор олимларимиз муаммолар ечимига киришаётганида бу мавзуга ҳали ҳеч ким қўл урмаганлигига амин бўлишади. Лицей ўқувчиларидан Нодирбек Ҳасанов «Опто-электроник элементларининг сув ва ҳаво тозалигини аниқлашда ишлатилиши» мавзусидаги лойиҳаси билан Туркияда бўлиб ўтган Халқаро Экология олимпиадасида биринчиликни, Польшада бўлиб ўтган «Нобель мукофотига бир қадам» олимпиадаси дипломини, Туркиядаги халқаро ижодкорлар танловида яна биринчиликни қўлга киритди. Дўстим Шаҳриёр Турғунов ҳам шу мусобақаларда қатнашиб совринли ўринни эгаллади. Математикадан ўтказилаётган лойиҳалар беллашувида ҳам лицейимиз учта лойиҳа билан қатнашиб, битта олтин ва иккита бронза медални қўлга киритди. Бу йилги Қозоғистон Республикасида ўтказиладиган мусобақага 5 та лойиҳа юборилди. Туркияда бўладиган «Экологик муаммоларни ҳал қилиш» лойиҳалар мусобақасига эса иккита лойиҳа юборилди.

Мен шулар ҳақида гапирарканман, Президентимизнинг сессия минбаридан туриб айтган гаплари биз, ёшларни илҳомлантиради. Кўнглимизга сурур бағишлайди. Дўстларим билан суҳбат сўнгида шундай хулосага келдик: биз энди кашфиётлар йўлидан борамиз. Кашфиётларимиз халқимизнинг фаровон ҳаётига хизмат қилажак. Ахир, дунёда инсондан нима қолади — унинг хайрли ишлари эмасми!? Сенинг амалларинг миллатинг, Ватанинг учун хизмат қилса, бундан буюкроқ бахт борми!? Президентимизнинг истаги, элимизнинг умиди шу эмасми!? Ахир, Ўзбекистон Менинг, Сенинг, ҳаммамизнинг Ватанимиз-ку!

ДУНЁ ДАРЧАСИ

Ҳукумат ўқитувчилардан қарз

Молдовада ўқитувчилар иш ташлаш эълон қилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, мамлакатдаги 700 га яқин мактабда дарс ўтиш жараёни тўхтаб қолган. Касаба уюшмалари вакилларининг маълум қилишича, ўқитувчилар ҳеч қандай сиёсий талабларни кўтариб чиқишгани йўқ. Улар ҳукуматдан фақат иш ҳақи ўз вақтида тўланиши таъминланишини талаб қилмоқда. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунга келиб ҳукуматнинг ўқитувчилардан қарзи 100 миллион лейга (10 миллион доллар) етган.

«ЗАЗ» ва «ДЭУ» ҳамкорлиги

Украина бош вазири Валерий Пустовойтенко Корея Республикасидаги «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раҳбари Ким У Жунг билан «Авто-ЗАЗ-ДЭУ» қўшма корхонасининг бундан кейинги фаолияти юзасидан музокара ўтказди. Учрашувда гуруҳ раҳбари «ДЭУ» компанияси ўз фаолиятини тубдан ислоҳ қилишни режалаштираётганини маълум қилди. Унинг айтишича, яқин келажакда «ДЭУ» компанияси ўзининг юк машиналари ҳамда кемасозлик корхоналарини сотади ва бунинг эвазига келадиган маблағ ҳисобидан компаниянинг автомобиль ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиради.

Турли масалалар муҳокама этилди

Синьхуа ахборот агентлигининг хабар беришича, Бангкокда Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича БМТ иқтисодий ва ижтимоий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган ушбу тадбирда Осиё ва Тинч океани минтақасида жойлашган 47 мамлакатдан вакиллар қатнашди. Йиғилишда янги технологияларни ҳаётга тадбиқ қилиш, савдо-сотиқ ва сармоя, экология ҳамда минтақанинг табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Вертолёт ҳалокатга учради

АҚШнинг Кентукки штатидаги Форт-Кэмпбелл ҳарбий базаси яқинида АҚШ қуролли кучларига қарашли ҳарбий вертолёт ҳалокатга учради. Натижада 7 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, 4 нафари эса турли даражада тан жароҳати олди. Жароҳатланганлардан иккисининг аҳволи оғир.

Маълумотларга кўра, Ю-Эйч-60 «Блекхок» вертолёти ўқув машқлари ўтказаётганида тўсатдан қулаб тушган ва бир неча бўлакка бўлиниб кетган. Ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

(ЎзА)

Саккиз йиллик «уйқу»

Луқма

... Катта ўғлим Мирзо Эргаш Алига Ҳазорасп даги қадим Девқалъа ёдгорлиги харобаларини кўрсатиш учун дам олиш куни туман марказига олиб бордим. Тарихи уч минг йилга яқин деб ҳисобланадиган бу қалъа ҳамон салобат билан қад ростлаб турибди...

Кейин туман марказидаги дўконларни айландик. Бирданига ўғлим икки қаватли, ҳашаматли дўкон пештоқида турли тошлардан терилган манзарага тикилиб турди-да сўради: «Булар қандай ҳарфлар? Лотинчада бирор мазмун чиқмайди...» Ўғлим кўрсатган лавҳа-ёдгорликка кўз ташладим-у, нима деб жавоб беришга ожиз қолдим. Истиқлолдан кейин дунёга келган, ўрта мактабнинг биринчи синфида янгича алифбода ўқиётган ўғлим бу сўзни ўқий олмаслиги аниқ. Лекин, нимадир демоқ керак эди.

«Бу «СССР» деган қисқартма сўз».

«У нимани англатади?»

«Ҳали сен туғилмасингдан илгари шундай қурама давлат бўлғуси эди. Барча халқларни «ихтиёрий асосда», аслида зўравонлик билан бирлаштирган бу ёвуз империя саккиз йил муқаддам ичичидан зил кетиб, барбод бўлди. Биз дунё юзида мустақил давлат қурдик...»

Ўғлимга бу империянинг асл қиёфасидан бир неча мисоллар келтиришимга тўғри келди. Аммо, табиатан қизиқувчанлиги бор эмасми, яна сўраб қолди: «Йўқ бўлиб кетган империя номи нима учун саккиз йилки бу ерда турибди?»

Ана сизга савол? Ажойиб жумбоқ. Нима деб жавоб берай? Бу лаънати ибора айрим ғафлат уйқусида ётганларнинг қалбига мустаҳкам ўрнашган дейми? Сиз нима дейсиз?!

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Саъдулло БОБО,
журналист.

Кечиккан пушаймонлар

Оққўрғон тумани ҳиссадорлик матлубот жамиятига қарашли 4-озиқ-овқат дўкони «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги марказида жойлашган. Рейдга чиққан солиқчилар текширувни шу ердан бошлашди. Чунки, дўкондаги назорат касса машинаси хўжакўрсин учун қўйилганлиги ҳақида ахборот мавжуд эди.

Харидорларнинг гапида жон бор экан. Солиқчилар кузатганда Малика Караманова савдо тушумининг бирор сўмини ҳам назорат касса машинасидан ўтказмай ҳаммасини пештахта остидаги қоғоз қутига йиғди. Шундан кейин назорат касса машинасининг ҳисоботларини солиштириб кўришга тўғри келди.

Кейинги икки ҳафталик ҳисобот солиштирилганида 78 минг 700 сўм савдо пули назорат касса машинасига киритилмаганлиги маълум бўлди. Бу ҳолат дарҳол ҳужжатлаштирилиб, назорат тартибида кўриб чиқиш учун туман прокуратурасига юборилди. Мана энди туман ҳиссадорлик матлубот жамияти энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида жарима тўлайдиган бўлиб турибди. Агар сотувчи амалдаги қонун-қоидаларга хилоф иш қилмаганида, савдо тушумларини тўла назорат касса машинасидан ўтказганида жарима тарзида тўланадиган 132 минг сўм жамоанинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланган бўларди.

Солиқчилар ўша куни тумандаги «Нурафшон» хўжалик ҳисобидаги савдо корхонасига қарашли 7-кундалик эҳтиёж моллари дўконини ҳам текширувдан ўтказдилар. Шу жараёнда дўкон мудири Икром Хунохунов харидор Хайринисо Ашуровага 50 килограммлик бир қоп унни 3050 сўмга сотиб, ортиқча 405 сўм уриб қолгани маълум бўлди ва у қўлга тушди. Бунинг устига дўкондан анчагина камомад ҳам чиқди. Шу боисдан солиқчилар дўкон мудири устидан жиноий иш қўзғатишга мажбур бўлдилар.

Афсуски, савдо қоидаларини бузиш ҳолатлари

Солиқ тизимида

бошқа кўпгина туман ва шаҳарларда ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатлар бир томондан савдо қонун-қоидаларини етарлича билмаслик оқибатида содир этилаётган бўлса, иккинчи томондан амалдаги қонунчиликни билиб туриб бузиш оқибатида рўй бермоқда.

Биз матбуотда акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлар ва спиртли ичимликларни сотиш таъқиқланганлиги ҳақида неча йиллардан бери бонг ураяпмиз, қонунбузарларни телеэкран орқали кўрсатаяпмиз. Марғилонлик сохта тадбиркор Юнус Рустамов наҳотки шуларни кўрмаган бўлса. Агар пул санашдан қўли бўшаган пайтларида газеталарга кўз югуртирганида, телеэкран ёнига яқинроқ келганида чет элларда ишлаб чиқарилган салкам 117 минг сўмлик акциз маркасисиз сигареталарни сотувга олиб чиқмасди.

Шаҳар марказидаги улгуржи савдо бозорида назорат касса машинаси ўрнатмай турли хил чойларни оғзига сиққан нархларда пуллаб юрган тадбиркор Маъмур Каримов ҳам яқинда солиқчилар қўлига тушди. У илгари бир марта қинғир иш қилиб, жарима билан қутилиб кетган эди. Лекин, ўша жазо сабоқ бўлмаган эканми, яна назорат касса машинасисиз савдо қилаётгани маълум бўлди. 1571 сўм савдо пулини касса дафтарига қайд этишни ҳам «унутибди». Савдо қоидасини такроран бузганлиги учун унинг устидан жиноий иш қўзғатилди. Ҳозир тергов ишлари олиб борилаяпти.

Тадбиркор Абдуқаҳҳор Абдуллаев қилган иш ҳам қуюшқонга сиғмайди. У укаси Абдуваҳобни ёнига олиб уйида керзи этик тикиб чиқаруви цех ташкил этган эди. Лекин, цехни очиш бўйича шаҳар ҳокимлигидан рухсат олишни, солиқ инспекцияси рўйхатидан ўтказишни хаёлига ҳам келтирмабди. Ҳаш-паш дегунча ҳеч қандай рухсатсиз 544 минг 684 сўмлик этикни пуллаб ҳам бўлибди. Бундан албатта каттагина даромад қилди. Лекин, даромаддан солиқ тўлашни ўзига эп кўрмади.

Солиқчилар этикдўз «тадбиркор»нинг сирини фош этганларидан кейингина у ўз хатосига тушуниб етди. Лекин, энди кеч эди. Қонунга зид хатти-ҳаракатлари учун унинг устидан жиноий иш қўзғатишга тўғри келди.

Қисқаси, солиқчилар олиб бораётган назорат ишлари туфайли жисмоний шахслар ўртасида даромадни ёшириш ҳолатлари фош этиб борилмоқда. Шу йилнинг дастлабки чорагида тадбиркорлардан 18,5 миллион сўм даромад солиғи йиғилди. Бу эса мўлжалдагидан анча кўп. Шаҳар бўйича бюджетга қўшимча 16 миллион сўм ўтказилди. Унинг даромад қисмини янада бойитиш йўлидаги кураш эса давом этади.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари

Кўмир ғиштга айланди

ғишт эса ғойиб бўлди

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик компанияси Бухоро бўлими «Каттақўрғон» бекати бошлиғи хонасида бошлиқ ўринбосари Баҳодир Шодиевни учратдим. Аммо у менинг мақсадимни билгач, «ҳозир вақтим йўқ, йиғилишим бор» деди. Йиғилишингиз шу ерда бўладими, майли, кутаман, дедим. Ёлғоннинг миси чиқа бошлаганидан чўчиб, йўқ, йиғилиш селектор орқали бўлиши керак эди, деди-да, юк қабул қилувчи ва топширувчини чақирди.

— Аллахвердова Евгения Андреевна, сиз сўраган одам, — дея таништирди бошлиқ ўринбосари.

— Бизда кўмир йўқ, бизлар кўмир сотмаймиз, — деди русчалаб Евгения Андреевна.

— Мен кўмир учун келганим йўқ, мени сизлар қабул қилиб олган кўмир қизиқтиради.

Улар у деди, мен бу дедим, ярим соат адибади айтишгандан кейин, учаламиз юк ташиш бўлимига борадиган бўлдик.

Бош хазиначи Иватулина Фаина Назитовна 1998 йил давомида Каттақўрғон темир йўл станциясига кўмир ортиб келган вагонлар рўйхатини кўрсатди.

1998 йил 7 январда Ангрендан уч вагон кўмир келган. Уни «Марс-ЛТД» базаси бошлиғи Авазов Муҳиддин 5-рақамли ишонч қоғози билан қабул қилиб олган. 12 январда бешта, 4 июнда учта, 9 июнда яна учта, 10 июнда иккита, 13 июнда ўнта ва 14 июнда ўн олтита вагон, хуллас, 1998 йилнинг 6 декабригача жами 106 та ўртача 69-70 тонна кўмир ортилган вагон келган.

Хўш, бу кўмирлар қаёққа кетди? Ҳали газ етиб бормаган олис, тоғли қишлоқ мактабларию боғчаларигадирда дерсиз. Йўқ. Аслида шундай бўлиши керак эди. Лекин, нафси ҳакалак отган баъзи бир кимсалар туфайли Қўшработ туманидаги мактаб, боғча печкалари исимади. Яхшиямки, қиш унчалик қаттиқ келмади. Лекин, қиш барибир қишлигини қилади-да.

Эрталаб мактабга совқотиб келган ўқувчилар кела солиб ўзларини печкага урадилар. Минг надоматлар бўлсинки, печкалар қақшаб ётади.

Тўғри, Қўшработ туман халқ таълими бўлими 1998-1999 ўқув йили учун «Марс ЛТД» базасига пул ўтказиб, мўлжалланган кўмирни олиб кетишлари керак эди. Лекин, кўмир эгаларига бориб етмади.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Нега? Кимнинг айби билан? Сабабини билиш учун Аллахвердова Евгения Андреевна билан бирга қисқа йўлларда юк тортувчи тепловозга тушиб, Зармитан геология қидирув экспедиция базаси — кўмир туширилган манзилга қараб йўл олдик.

— Йигирма беш йилдан буён шу базада мудирман, — деб ўзини таништирди Музаффар Фармонов. — Ҳозир келаётган кўмирларни кўмир деб ҳам бўлмайди. Тупроқдан фарқи йўқ. Аввал халқ таълими базасининг мудири Суннатов Турғунбой эди. Кейин унинг ўрнига Муҳаммадиев Абдужалил бўлибди. Суннатов кўмирнинг бир қисмини олиб кетувди. Мана, қолгани шу, кукун. Икки уюм. Қор, ёмғир тагида ётибди. Тахминан бир юз қирқ тонна келади. Суннатовдан Муҳаммадиев қабул қилиб олган. Аммо бу ҳеч нарсага ярамайди. Машинага ортиб ҳам бўлмайди. Боргунча йўлларга сочилиб тамом бўлади. Авазов Муҳиддин эса, хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам оласан дейди. Энди бари харажат Қўшработ туман халқ таълими бўлимининг бўйнида. Лекин, бундай олиб қараганда, бунга Авазов Муҳиддин жавобгар.

Ҳа, Фармонов ҳақ гапни айтди. Ёқиб бўлмайдиган нарсани қабул қилиб олмасин эди. Лекин, Авазов мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш тутган. Уни неча марта излаб бориб тополмадик.

Устаси фаранг Суннатов Турғунбой эса ётиб қолгунча отиб қол қабилида иш тутиб, Каттақўрғон ғишт заводи ҳамда Пайшанба ғишт заводлари билан шартнома тузган.

Каттақўрғон ғишт заводи ҳар тоннаси 1800 сўмдан 300 тонна, Пайшанба ғишт заводи эса 600 тонна кўмир кукунини олиб кетган. Ғишт заводи мутахассисларининг айтишича, бу ерда йирик кўмирлар ҳам кукун ҳолига келтирилиб кейин ишлатилар экан. Кўмир кукуни эса улар учун тайёргина ашё.

Суннатов Турғунбой эса бунинг эвазига Каттақўрғон ғишт заводидан 540000 сўмлик, Пайшанба ғишт заводидан эса 1080000 сўмлик ғишт олиб кетишини мўлжаллаб шартнома тузган. Ғиштнинг бир қисмини олиб кетишга улгурган ҳам.

Қўшработ туман халқ таълими бўлими томонидан 1998 йил 1 ноябрда берилган 979 рақамли ишонч қоғози орқали 1998 йил декабрда олиб чиқиб кетилган 35066 сўмлик ғишт эса... қаерда? Бунисини ҳеч ким билмайди...

Эркатош ШУКУРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДУНЁ ДАРЧАСИ

Долларнинг учдан икки қисми четда

Бугунги кунда Америка Қўшма Штатлари қанча долларни муомалага чиқарганини биласизми? Роппароса 450 миллиард доллар. Бироқ шунча долларнинг учдан икки қисми мамлакатдан ташқарида юрибди. Бу кўрсаткич янада ортиб бормоқда.

Нью-Йорк федерал резерв банки ходими Жозеф Боттанинг айтишича, кейинги беш йил ичида чет давлатларда муомаладаги АҚШ доллари йилига 15-20 фоиз ошиб борган. Бунга сабаб дунёда «совуқ уруш» ваҳимасининг тугаши натижасида кўп мамлакатларнинг хорижий тўлов воситалари учун ўз эшикларини очиб беришидир. Шунинг учун ҳам кўп мамлакатларга АҚШ доллари сувдай оқиб кира бошлади. Уларнинг 80 фоизга яқини 100 долларлик банкнотлардир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, АҚШнинг ўзида энг кўп тарқалган банкнот 20 долларликлар экан. Негаки, улар олдисотди ва автомат савдо расталари учун энг қулайдир. Ажабланарлиси шуки, америкаликларнинг кўпчилиги 100 долларлик банкнотнинг ҳатто қандай кўринишдалигини ҳам билишмас экан. Чунки буни савдода қўллашга эҳтиёж сезилмаган.

Чет элларда эса тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан йирик молиявий операциялар амалга оширилади. Шунинг учун ҳам 100 долларлик банкнотлар хорижга кўпроқ чиқарилади.

Машҳурлик хотинбозлик ҳуқуқини бермайди, бироқ...

Ҳа, машҳурлик ҳеч кимга хотинбозлик қилиш ҳуқуқини бермайди, аксинча, кишига оила шарафини, обрў-эътиборни сақлаш, ҳурматда юриш масъулиятини юклайди. Аммо буни ҳамма ҳам бирдек ҳис қилавермас экан.

Гап шундаки, машҳур «Титаник» киносининг таниқли режиссёри Жеймс Камерон билан хотини Линда Гамильтон орасидаги муносабатлар совуқлашиб қолгани тўғрисида узун-қулоқ гаплар ўтган йилиёқ гимирлаб қолганди. Хуллас, мишмишнинг тагида озгина бўлса-да, ҳақиқат ётар экан. Иккови ҳам ажралишга аҳд қилишди ва... Ачинарлиси шундаки, ўртада фарзанд бор.

Ажралишнинг сабаби: характерлари тўғри келмаганмиш. Шунинг учун ҳам етти йилгина бирга яшашибди холос.

Аслида машҳур режиссёр билан актриса ўртасидаги ишқий муносабатлар 1991 йили «Терминатор-2»ни суратга олаётган пайтда бошланганди. Икки йилдан сўнг эса қизлари Жозефина дунёга келди.

«Титаник»нинг муваффақиятидан сўнг эса... оилага дарз кетди. Ўртадаги фарзанд ҳам кўзга кўринмади. Жеймс тўртинчи марта ажрашди.

Дарвоқе, ўртадаги молмулк тенг иккига бўлингандан ташқари «Титаник» учун олинган 100 миллион доллар гонорарнинг ярми ҳам Линдага насиб қилди.

Ядровий хавфсизлик учун

Австрияда ядровий хавфсизлик конвенциясига аъзо мамлакатлар вакилларининг анжумани бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари бир неча кун давомида атом электр станциялари хавфсизлигини ошириш ва бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, кейинги пайтларда атом электр станциялари хавфсизлигини ошириш борасида самарали ишлар амалга оширилди, дейилади анжуман иштирокчиларининг резолюциясида.

Ядровий хавфсизлик конвенцияси 1996 йилнинг октябрида кучга кирган. Ҳозирга қадар унга 65 мамлакат қўшилган.

Ҳудуд осмонида учишга рухсат берган

Руминия ҳукумати НАТОнинг Югославияга ҳаво ҳужуми сабаб алянс самолётларини мамлакат осмонида парвоз қилишига рухсат берган эди. Шунинг учун НАТО айни пайтда Руминия хавфсизлигини кафолатлаши зарур, деб баёнот берди Руминия президенти Эмил Константинеску Си-Эн-Эн телекомпанияси мухбирига берган интервьюсида.

Унинг таъкидлашича, Руминия бугун НАТОга аъзо бўлишга тайёр ва алянснинг бу борадаги барча талабларини бажарган.

Қочқинлар қабул қилинди

Македонияда яшаётган косоволик қочқинларнинг 150 нафари Нидерландияга олиб келинди. Улар Эрмело шаҳарида қочқинлар учун махсус тайёрланган уйларга жойлаштирилди. Яқин кунлар ичида Македониядан қочқинларнинг яна бир неча гуруҳи Нидерландияга жўнатилади.

Нидерландия ҳукумати икки минг нафар қочқинни қабул қилишга қарор қилган эди. Улар Косовода вазият барқарорлашгунга қадар шу ерда истиқомат қилади.

Ўн саккиз минг олам

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 27 aprel, seshanba • № 50 (24.445).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

Юрт довруғин оширар полвон

SPORT

Айни кунларда минглаб ишқибозларнинг қувончи чексиз. Улар икки нарсадан мамнун. Бири тарихи минг йилликларга бориб тақаладиган азалий курашни жаҳоний мақом олгани бўлса, иккинчиси айнан кураш бўйича биринчи марта ўтказилаётган жаҳон чемпионатини Тошкентда ўтаётганидир. Ватанимиз пойтахти жаҳоннинг энг кучли полвонларини чорламоқда. Қизғин беллашувлар марказига айланадиган «Жар» ўйингоҳи байрамона безатилган. Бу спорт кошонасининг теграсида 50 дан зиёд мамлакатнинг давлат байроқлари ҳилпирамоқда.

Мусобақа арафасида «Жар»нинг бугунги қиёфаси, бу ерда ўзбек полвонларининг муросасиз баҳсларга тайёргарлик кўришаётганини кўздан кечирдик. Алоҳида залда катта кураш «гилами» тўшалган. Алпқомат, жуссалари келбатли, норғил полвонлар машқларга зўр берардилар. Улар гоҳ югуришар, гоҳ ўмбалоқ ошишар, гоҳ «ёнбош», «чала», «ҳалол» усулларини қўллаб, ўзига хос ғолибона овоз берардилар. Бир сўз билан айтганда, уларнинг кайфиятлари соз, руҳлари баланд ва умидбахш эдилар. Биз мураббий ва полвонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг жаҳон чемпионатига тайёргарлиги ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

Раҳмонберди АҲМЕДОВ, республика яккама-якка кураш олий маҳорат мактаби директори:

— Ўзига хос имтиҳон олдида турибмиз. Боиси, нуфузли жаҳон чемпионатини ўтказиб бериш биз учун бир томонлама фахр бўлса, иккинчи томондан масъулиятдир. Мусобақа баҳона Ўзбекистон курашчиларининг нималарга қодир эканини намойиш қилишимиз, бу борадаги салоҳиятимизни белгилаб олишимиз ва бундан буён нималарга эътибор қилишимиз зарурлигини англашимиз зарур. Қисқа муддатда, яъни Тошкентда халқаро кураш ассоциацияси ташкил топганига бир йил бўлмаёқ жаҳон чемпионати ўтказилаётгани эътиборга лойиқдир. Зеро, бизда бундай баҳсларни уюштириш бўйича тажриба тўпланган. Жумладан «Президент кубоги», Бухоро ва Шаҳрисабзда ўтказилган беллашувлар, анъанавий равишда уюштирилаётган ат-Термизий хотира совғини учун беллашувларда полвонларга эътибор, яратилиши лозим бўлган шароитлар хусусида жаҳон андозаларига мос ташкилий-тадбирий юмушларни адо этишга ўрганганмиз. Бу йил Термизда ўтказилган халқаро мусобақада эса кучлиларни саралаш, жаҳон чемпионатига номзодларни белгилашга эътиборни қаратдик. Мана икки ҳафтадирки, тажрибали мураббийлар полвонларимизни йирик мусобақага шайлашмоқда.



Омон ТОЙМУРОДОВ — Тошкент жисмоний тарбия институти доценти, Ўзбекистон терма жамоасининг мураббийси.

— Кўриб турганингиздек, энг бақувват ва моҳир полвонларни жаҳон чемпионатига ҳозирлаяпмиз. Ишончимизни оқлайдиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук курашчилардан 14 нафари ўз машқларини тобига етказишмоқда. Улар орасида сурхондарёлик Ботир Ҳасанов, Тошкент Муҳаммадиев, Бухородан Шуҳрат Хўжаев, Қашқадарёдан Баҳром Авазов, Тошкентдан Акобир Қурбонов, Камол Муродов ва бошқаларга умид боғлаганмиз. Машқларни ўтказишда кўпроқ курашчиларнинг иродасини янада мустаҳкамлаш, беллашув техникасига риоя қилиш, шунингдек майдонда олишиш одобидан чиқмаслик каби фазилатларни шакллантиришга аҳамият бериляпти. Назаримда, мусобақага келадиган полвонларнинг аксарияти кўпроқ самбо ва дзю-до бўйича маҳорат оширишган. Демак, кураш усуллари уларга кўпам таниш бўлмаслиги мумкин. Айни пайтда чет эл курашчиларининг мусобақаларга қандай усулда ҳозирлик кўриш сирлари бизга аён эмас. Ўйлайманки, беллашувлар қизғин ва муросасиз, муҳими одилона ўтади.

Ўзбек полвонларидан Махтумқули Маҳмудов, Муҳаммадўст Тошев, Эрали Маҳмарасуловлар ҳам ўзаро суҳбатда сира бўш келмасликка, Ватанимиз шарафи учун астойдил беллашишга тайёр эканликлари ҳақида сўзладилар. Бу полвонлар тажриба ва маҳорат бобида мухлисларга аллақачон танилган спортчилардир. Халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб, олқиш олишган. Ўйлаймизки, Тошкент беллашувларида ҳам омадлари чопиб, юзлари ёруғ бўлса ажаб эмас.

Ҳайдар НОСИРОВ

Шифо топмасангиз, табиб демангиз...

Профессор Оллоназар Дўстмуродов ҳузурида 30 дақиқа

Тошкент шаҳар шифокорлар малакасини ошириш институти ультратовуш диагностикаси кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, Нью-Йорк Фанлар академияси аъзоси, профессор Оллоназар Дўстмуродов шинамгина хонада мени қаршилади.

Унинг 170 дан ортиқ илмий мақолалари Украина, Венгрия, Белоруссия ва бошқа хорижий давлатларда нашр қилинган. 42 та ихтиронинг муаллифи. Уларнинг ҳаммаси ҳозир амалда. Айниқса, контраст эхография усули кенг эътироф этилиб, ўз самарасини бермоқда. Шу пайтгача 12 нафар фан номзоди, икки фан доктори тайёрлаган. Ўндан ортиқ ёш олимларнинг илмий ишларига раҳбарлик қиляпти. Суҳбатни бошлаш бироз чўзилди, у секин ўрнидан қўзғалиб, стол устидаги қоғозларни тузатгандай бўлди. Хона деразасини қия очди. Ўзини жуда хотиржам тутарди.

— Аввало янги ташкил этилган кафедрангиз, уни очишнинг сабаб ва зарурияти ҳақида...

— Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва институт ректорининг буйруғига асосан мазкур даргоҳда ультратовуш диагностикаси кафедраси ташкил этилганига ҳали бир ой бўлгани йўқ. Шундай бўлса ҳам, оламшумул ишга қўл урилди, деб ўйлайман. Сабаби, дунё бўйича ультратовуш диагностикаси салмоғи 60-80 фоизни ташкил этади. Ўзининг мутлақо безарарлиги билан беморлар ва шифокорлар учун жуда қулай.

Профессор бизни мени ультратовуш диагностикаси ускуналари жойлашган хонага бошлади. У ерда текширув ва ташхис ишлари бажарилаётган эди. Шифокор кичкина экранга ишора қилиб, сўзида давом этди.

— Мана бу — ҳомиланинг бош қисми. У соғлом ривожланяпти. Мана бу эса унинг юраги. Бу буйраги... Хуллас, кўпгина аъзоларини кўриш мумкин. Ультратовуш диагностикаси ҳомила учун ҳам зарарли ҳисобланмайди. Республикамизда ультратовуш диагностикасининг моддий техник базаси мавжуд. Ҳозир мамлакатимизда мингга яқин энг замонавий русумдаги ускуналар ишлаб турибди. Шу соҳа мутахассисларини тайёрлаш учун илмий-ўқув потенциалига эгамиз. Бу тизимда учта фан доктори ва 50 дан ортиқ фан номзоди бор.

— Кафедранинг асосий йўналишлари нимадан иборат?

— Ультратовуш диагностикаси нафақат республикамизда, балки Ўрта Осиёдаги биринчи кафедра бўлиб, асосий вазифаси шу соҳадаги ўқув-методик ва илмий ишларни мувофиқлаштириш ва ривожлантиришдир. Вазифанинг қанчалик долзарблигини унутмаган ҳолда бажарилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар ҳам бор. Биринчи навбатда янги ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратилиши керак. Кейин давлат тиббий муассасаларидаги ультратовуш диагностикаси кабинетларидаги текширувларни стандартлаштириш ва жаҳон аҳамиятига эга бўлган янги илмий тадқиқотларни олиб бориш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш лозим.

— Ультратовуш диагностикаси тиббиётда янгилик эмас. Республикамиз олимлари жаҳон ультратовуш диагностикасига қандай ҳисса қўшишган?

— Дарҳақиқат, бу соҳа янги эмас. Шу вақтгача олимларимиз томонидан кўплаб илмий ихтиролар қилинган, улардан энг асосийси — контраст эхография усулининг жаҳонда биринчи бўлиб бизда ишлаб чиқилишидир. Касалликнинг эхографик белгилари таснифи вужудга келтирилди. Шу билан бирга инсон организмида бир умрлик ультратовуш диагностикаси назорати концепцияси ишлаб чиқилди. Бу шуни билдирадики, инсон пайдо бўлганидан тортиб, то ҳаётининг сўнгигача ультратовуш диагностикаси назоратида бўлиши мумкин. Бу эса инсон танасида етилиб келаётган турли касалликларни олдиндан билиш имконини беради. Шу билан бирга ультратовуш диагностикаси орқали даволаш жараёнини бошқариш, унга кескин назорат ишларини ўрнатиш мумкин. Масалан, ўт тоши, сийдик йўлидаги тошлар, буйрак тошларининг 2-3 миллиметр ҳажмдагилари эритиб юборилади.

— Айтинг-чи, ҳузурингизга келган беморлардан бирортаси ранжиб кетган ҳоллари ҳам бўлганми?

— Ранжиган беморлар бўлиши мумкин. Лекин мен ўз фалсафам билан иш кўраман: шифо топмасангиз мени зинҳор табиб демангиз...

Эшик тақиллаб, навбатда турган бемор кўриниб қолди. Бу ўз-ўзидан, суҳбатга якун ясаш мавриди етганлигини билдирарди.

Хонадан чиқиб кетар эканман, олимнинг яна бир фазилатини пайқадим — у кўнгилнинг одами экан...

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Орамиздаги одамлар

Суратда: профессор Оллоназар Дўстмуродов шогирди билан.

Суратни Шавкат АКРАМОВ олган.

Маржумакни биласизми?

Маржумак ўсимлиги Ҳиндистонда ўсади. У отқулоқдошлар оиласига мансуб. Ҳинд тилида тоғ гуручи маъносини англатади.

Аслида бу ўсимлик тарихий манбаларга қараганда илк бор Хитой, Япония, Комбоджа каби Осиё давлатларига тарқалиб, кейинчалик Ўрта Осиёнинг водийлари бўйида экила бошланган.

Россияга маржумак-гречихани Чингизхон истилоси даврида татарлар олиб ўтган деган тахминлар ҳам бор. Маржумакнинг гули, барги, дони, пояси таркибида «рутин» моддаси ва Р витамини кўп бўлиб, халқ табобатида қадимда ва ҳозирги кунда ҳам кенг фойдалиниб келинмоқда. Бу моддалардан тайёрланган дармон-дориларни истеъмол қилганлар қанд касали, ҳафақонлик (қон босими) хасталикларига кам учрайдилар. Бундан ташқари унинг уни ва донидан қандолат маҳсулотлари ва парҳез овқатлар тайёрланади. Пояси чорва учун тўйимли озуқа ҳисобланиб, минг дона маржумак донининг оғирлиги 17-22 грамм атрофида бўлади. Ҳатто Ҳиндистон, Хитой, Япония халқи унинг барги ва кичик шохларидан ҳар хил салатлар, донидан қовурма тайёрлаб истеъмол қилишади. Ўзбекистон шароитида бу ўсимликни суғориладиган, ғалла экинидан бўшаган майдонларда иккинчи экин сифатида экиш катта самара беради.

Бир гектар майдонга 40-45 килограмм уруғ сарф бўлади. Ҳосилдорликни 22-25 центнерга етказиш мумкин. Маржумакчи олим, биология фанлари номзоди Баҳром Давроновнинг таъкидлашича, ушбу ўсимликнинг «Қозон», «Майская» «Баҳодир» навларини Ўзбекистон шароитида экиш мақсадга мувофиқдир. Бу қимматли экинни комбайнларда йиғиштириб олиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Уни республикамизнинг Зарафшон, Сирдарё воҳасида ҳосилдан бўшаган ғалла майдонлари ўрнига иккинчи экин сифатида экиб, юқори самарага эришиш имконияти мавжуд.

Пўлат ЎТКИРОВ

Газ таъминоти барқарор бўлади

Самарқанд вилояти газлаштириш бошқармаси аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

— Маҳаллий бюджет ҳисобидан 1,9 километр газ қувурлари қурилишига 4,9 миллион сўм харажат қилинди, — дейди вилоят газ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Шавкат Усмонов. — Бундан ташқари бошқармамиз ҳисобидан 43,1 километр газ қувурлари қурилишига 109,4 миллион сўмлик маблағ ишлатилиб, вилоят бўйича истеъмолчиларни табиий газ билан таъминлашни 83,0 фоизга кўтардик. Вилоятимиз қишлоқларида эса бу кўрсаткич 75,5 фоизга етди.

Дарҳақиқат, вилоят бўйича, ҳозирги кунда 655 та мактаб, 603 та болалар боғчаси, 579 та тиббиёт масканлари, 269 та саноат ва 2974 маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари газдан самарали фойдаланаётир. Шу жумладан 373 минг хонадон, 206 жамоа ва ижара хўжаликлари ҳамда вилоятнинг 1237 та қишлоқлари аҳолиси табиий газдан узлуксиз фойдаланиши таъминланган.

Вилоят газ бошқармасига қарашли 2-сон кўчма механизациялашган қурилиш ташкилотини Муртазо Кенжаев бошқаради. Мазкур қурилиш жамоаси бошқармага ҳар томонлама яқиндан ёрдам беради.

«Вилоятгаз»га қарашли 20-кўчма механизациялашган қурилиш ташкилоти жорий йилни биринчи кварталида 39462 минг сўмлик қурилиш монтаж ишларини амалга оширди.

Натижада 32 километр ҳар хил босимдаги газ қувурлари ишга туширилди. Бу корхонанинг кўрсаткичлари режага нисбатан 150-200 фоизни ташкил этаётганидан нишона.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, маданият, ҳуқуқ муассасалари, савдо ташкилотлари ва фирмалари раҳбарлари, шунингдек барча юридик ҳамда жисмоний шахслар диққатига!

«ИШОНЧ-М» очиқ турдаги акционерлик жамияти (собиқ «Ўзбеккинодеталзаводи») ўзининг ва буюртмачининг хомашёсидан қуйидаги маҳсулотларни тайёрлаб беради ва сотади:

- *креслолар — томошахоналар, мажлис, йиғилиш заллари учун;*
- *стуллар (темир оёқли) — ошхоналар, синф ва хоналар учун;*
- *айланма креслолар — раҳбарлар ва ходимлар учун;*
- *банкеткалар — фойе, вестибюль ва жамоа учун;*
- *кушеткалар — тиббиёт идоралари учун;*
- *темир эшиклар, ҳар хил панжаралар;*
- *автомашина ўриндиқлари учун чехоллар;*
- *француз пардалари, портьерлар, ломбрикенлари ва бошқа тикув маҳсулотлари.*

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 35-уй. Телефон: 55-99-01, 55-99-80, 55-88-57.

Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта банки» Навоий вилояти бўлими жамоаси меҳнат фахрийси Раҳим Нуриддиновга онаси **АЛОҲИДА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-72-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-55-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ*, навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматида. 24.045 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0265

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.25

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, «Голос Узбекистана» — 136-26-70, «Осиё бозори» — 133-38-55